



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
6 июнь
ЧОРШАНБА
№ 44
(12.472)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

БИЗ ВА БОЗОР

Кеча пойтахтдаги "Ўзлужисавдоинвест" уюмасининг "Халқ истеъмоли товарларининг кўрғазма-ярмарка савдоси Республика Маркази" ОАЖ павильонидида вилоят ҳудудий ярмаркаси очилди. Унда мулк шаклининг барча турларига мансуб 150 дан зиёд корхона қатнашиб, ўнлаб турдаги маҳсулотларини намойиш этмоқда. Ярмарка иштирокчилари орасида тармоқ байроқдорлари бўлган "Ўзметкомбинат", "Олмаликқонметаллургия" комбинати, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металл комбинати каби йирик санаят корхоналаридан тортиб, маҳсулот ва хизмат бозорида талаб катта бўлган ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик фирма ва компанияларгача бор. Вилоят ҳокими ўринбосари Соҳиб Абдуллаев ярмарканинг ташкилини таъминлаш мақсадида сўзга чиқиб, бундай форумлар биринчи навбатда сармоядорларга вилоятимизнинг кучли санаят ва интеллектуал салоҳиятини яна бир бор намойиш этишига даъват қилинганини алоҳида таъкидлади.



ЮКСАК ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ ВА ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ИМКОНИЯТЛАРИ

Яхши ривожланган инфраструктура, бозорларнинг кўпчилиги ва яхши тайёрланган меҳнат ресурсларининг бисёрлиги вилоятимиз бизнесини рақобатбардошли, жумладан, экспорт боп ҳамда кучли тараққиёт имкониятига эга бўлишига хизмат қилмоқда. Тадбиркорлар буни жуда яхши тушунадилар, шу боис ишлаб турган корхоналарни ривожлантиришга ва янги корхоналар барпо этишга сармоялар киритмоқдалар.

логияли корхоналарнинг тобора кўплаб иштирок этаётгани кувонарлидир. Улар сафида Олмаликдаги "Tash-KVA-Transservis" масъулияти чекланган жамияти ҳам бор. Ушбу жамият цехларида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Жумладан, конвейер линиялари, клинкер транспортёрлари, уларнинг эҳтиёт ва бутловчи қисмлари, графитли ва мис-графитли электр ҳисоблагичлари, копролон ва текстилот



корхонаси шу мақсадни кўлаб фаолият юритиб, истеъмолчиларнинг эътиборини қозонди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган бир неча турдаги ва оғирликдаги сариёғнинг бозори чакон, шунингдек, Бўстонликдаги "Царская сладость" масъулияти чекланган жамиятининг конфет ва печеньелари ҳам савдо пештахталарида туриб қолмайди. Бекободдаги "Shin-Oz-Uvovoch" жамиятининг ширинликлари, Чиноз туманидаги "Niagara



импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдалар. Ярмарканинг яна бир муҳим вазифаси йирик ҳамда кичик корхоналар ўртасида икки томонлама фойдали ҳамкорликни йўлга қўйишдир. Бундай кооперация ўзининг самарали эканлигини дунёнинг барча мамлакатларида намойиш этди. Бекобод, Ангрэн, Олмалик, Чирчиқ, Охангарондаги кичик корхоналар бутловчи материаллар ишлаб чиқаришни, кийим-кечак тиклашни, йирик санаят корхоналар учун бежирим конструкцияларни йиғишдек мураккаб вазифаларни аъло даражада бажармоқда. Бундан эса ҳамма манфаатдор. Кўрғазмада юксак техно-

бюмларга талаб катта. Жумладан, бу маҳсулотлар Олмалик кон металлургия комбинати, "Қумир" очик акциядорлик жамияти, кимё ва қурилиш тармоқлари корхоналарида юборилади. Чирчиқдаги "Elstan" илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг юқори ҳамда қуйи вольтли электр техника ускуналари ёнида Зангиота туманидаги "Dentafill Plyus" хусусий корхонасининг дори-дармонлари, Қибрай туманидаги "Ал-Жам-Ал" хусусий фирмасининг автомобиль филтёрлари намойиш этилмоқда.

замонавий ускуналар ўрнатилган, – дейди "Dentafill Plyus" хусусий корхонаси директори Комил Қосимов. – Бизнинг дориларимиз чет элларникидан ҳечам қилишмайди, нархи эса анча арзон. Уйлайманки, инновацион иқтисодиётга асосланаётган давлат ўзининг фармацевтика санаятига эга бўлиши керак. Зеро, дори-дармон ишлаб чиқариш мамлакатнинг ҳавфсизлигига ҳам хизмат қилади. Бундан бундан ампулалари дори-дармонлар ишлаб чиқариш ҳамда жароҳлик қўлқоплари тайёрлаш ниятидими бор.



рига тўри келади. Чунки, истеъмолчилар эндиликда маҳсулотнинг ҳам баҳоси ҳам сифатига қараб танлаш оғирлигини ҳис қилишмоқда. Чунки, энг яхши ва сифатли маҳсулот ҳам ўзгал ва бежирим қадқолланмаган бўлса, бозори қасод бўлиши ҳеч гап эмас. Яъни, маҳсулот ишлаб чиқариши яхши ўзлаштиришига эмас, балки харидорга унинг чиройли кўрсата билиш керак. Чирчиқдаги "Milk Evro Food" Россия – Америка қўшма

"Bottlers" жамиятининг салқин ичимликлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, ушбу ярмарка йирик ва майда корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлиги янада ривожланишига, шунингдек, вилоятга инвестицияларни тўла ишга солишга эҳтишга янгида туртки бўлиши шубҳасиз.

Уз муҳбиримиз Даврон АХМАД ва Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

АРМИЯ МАКТАБИДАН – ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ САРИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги қарорини ўқиб

Эр йигит Ватан учун туғилди, деган пурмаёно гап бор халқимизда. Ота-боболаримиз азалдан фарзанд тарбиясига айна шу тамойил асосида ёндашган. Ўғил болани ёшлигиданоқ мард ва жасур, оила посбони, Ватан ҳимоячиси бўлишга ўргатган. Она юртини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ўзбек ўғлини учун ота-боболаридан мерос энг муқаддас ва шарафли фазилатдир.

Бугун эса вазият бутунлай бошқача. Жорий йил январь ойида давлатимиз раҳбарининг ёшларнинг мuddатли ҳарбий хизматга наватдаги қақуриви ҳақидаги қарори эълон қилинди. Ҳарбий хизматга бориш ёшидаги ҳарбий бarchа йигитлар шу кундан тайёргарликни янада оширишга киришди. Отаналар эса фарзанди белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтиши учун бarchа шароитни яратиш ҳаракатига тушди. Бунинг сабаби – миллий армиямиз сафларида йигитлик бурчани ўтатиш, шу орқали ота-онани оруз қилгандек фарзанд бўлиш, ўзининг эзгу мақсадларига эришишдир.

бу имтиёз билан талабаликка эришган кўплаб ёшлар ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам тенгдошларига ўрناк бўлмоқда.

Бугун миллий армиямиз сафларида ана шундай мард ва жасур, хар томонлама чиқиққан йигитлар хизмат қилмоқда. Ота-боболарининг эзгу қадриятларига содиқ бундай ёшлар мустакил Ўзбекистонимиз осмонининг мусаффолиги, Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлиги, ҳонадонларимиз тинчлигининг ишончли кафолатидир. Бугун мuddатли ҳарбий хизмат ёшларимиз учун нафақат ўз бурчини адо этиш, айна пайтда жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини оширишда ҳам катта мактаб вазифасини ўтамоқда.

Истиқлол туғайли йигитларимиз ўз Ватанида, ўзимизнинг миллий армиямизда хизмат қилмоқда. Улар Қуроли Кучларимиз сафида қулай шарт-шароитда хизмат вазифасини ўтатиш билан бирга, юксак жисмоний, ақлий ва интеллектуал салоҳиятни эгалламоқда. Мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларимиз олий ўқув юртига ўқишга кириши, ишга жойлашишда кўплаб имтиёزلарга эга бўлмоқда. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ижтимоий-маиший, яшаш ва хизмат шароитини яхшилашга қаратилган давлат дастурлари изчил амалга оширилаётгани ҳарбийлик ҳаётини, одамларнинг ҳарбий хизмат ҳақидаги тасаввурларини бутунлай ўзгартирди.

Президентимизнинг 2012 йил 31 май куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ёшларимиз учун яна бир муносиват тўхфа бўлди. Қуроли Кучларимиз қисмлари ва бўлинмаларида мuddатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, олий ўқув юртига кириш учун тавсияномага эга бўлган ёшларга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи омиллари сезиларли даражада кучайтирилди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқароларга мамлакатимиз олий ўқув юртига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорда имтиёз балл бериши тизими жорий этилган эди. Бу имтиёз ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизмат нуфузини янада оқсаттиришда, ҳарбий хизмат давомида пухта билим ва тайёргарликни эгаллашда улар учун кучли рағбатлантирувчи омил бўлди.

Ўтган йилларда юзлаб ёшларимиз ана шу имкониятдан фойдаланиб, ўзи танлаган соҳа бўйича олий ўқув юртида таҳсил олди. Яна бир муҳим жиҳати,

Ҳа, рағбат изланишга, фаолликка ундайди, ёшларда элу юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтиради. Зотан, ёшларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз таълим тизимининг ҳам устувор йўналишларидандир. Бу юртимизда барча жаҳодаги ислохотлар изчил ва узвий эканлигининг амалдаги яна бир ифодасидир.

Миллий армиямизни ислох қилишда ҳарбий хизматнинг ёшлар ўртасидаги нуфузини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганида улкан мақсадга эришмоқ мумкин, албатта. Собик иттифок даврида ўзбек йигитлари ҳарбий хизматни ўтатиш учун узоқ ўлкаларга жунатилгани, у ерлардаги оғир вазият, камситилиш ва қийинчиликлардан фарзандлар ҳам, отаналар ҳам зада бўлгани ҳали кўпчилигининг ёдида. Уш пайтда ота-оналар фарзан-

дани армиядан олиб қолиш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Бугун эса вазият бутунлай бошқача. Жорий йил январь ойида давлатимиз раҳбарининг ёшларнинг мuddатли ҳарбий хизматга наватдаги қақуриви ҳақидаги қарори эълон қилинди. Ҳарбий хизматга бориш ёшидаги ҳарбий бarchа йигитлар шу кундан тайёргарликни янада оширишга киришди. Отаналар эса фарзанди белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтиши учун бarchа шароитни яратиш ҳаракатига тушди. Бунинг сабаби – миллий армиямиз сафларида йигитлик бурчани ўтатиш, шу орқали ота-онани оруз қилгандек фарзанд бўлиш, ўзининг эзгу мақсадларига эришишдир.

Эндиликда Қуроли Кучларимиз сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлган фуқаролар бarchа йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича баҳаларлар тайёрлашда мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимум баллнинг 27 фоизи миқдорда қўшимча баллга эга бўлади.

(Давоми 2-бетда).

БУГУННИНГ ГАПИ

КОМБАЙНЛАР ЎРИМГА ТАХТ

Ғаллакорларимиз пешона тери эвазига етиштирилган мўл ҳосилни ўриб-йиғиб олиш мавсумида пухта тайёргарлик кўришмоқда. Жойларда дон комбайнларининг техник созлиги яна бир бор кўздан кеңирилмоқда.



СУРАТДА: "Дўстобод" агротехсервис раҳбари Нодир Холхўжаев комбайн операторлари даврасида.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Қуйи Чирчиқ туманидаги "Дўстобод" агротехсервис масъулияти чекланган жамияти ғаллачиликка ихтисослашган 293 фермер хўжалигига техник хизмат кўрсатмоқда. Айни кунларда мавжуд 43 ғалла комбайни сифатли таъмирланиб, мавсумга ҳозирлаб қўйилди. Техникларини шайлашда туман машина трактор паркига касб-ҳунар коллежидан амалиётга келган битирувчилар ёрдам беришмоқда. Уларнинг унумли ва сифатли меҳнат қилишлари, амалиётни кўнгилдайдек ўтатишлари учун синфхона ва устахоналар қурилиб, бarchа шарт-шароитлар яратиб берилди.

МАЪНАВИЯТ

Шундай гаплар бўладики, вақт ўтган сари саломоги ортиб, маъноси чуқурлашиб боради. Давлатимиз раҳбари Вазирилар Маҳкамасида 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг устувор йўналишларини муҳокама қилиш чоғидаги маърузасида жаҳонни қамраб олган молия-иқтисодий танглик шароитида мамлакатимизда амал-

РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ ВА МАЪНАВИЙ МУҲИТ

Бир оғиз гап. Бироқ, унинг замиридаги маъно, моҳият чуқур. Юртбошимиз бarchа соҳа ва ҳудудлар раҳбарияти зиммасидаги вазифа нечоғли масъулиятли эканлиги ҳақида шунчаки, огоҳлантираётгани йўқ. Бу таъкид замирида катта-кичик ҳар бир раҳбарни ўз юксак лавозимига муносиб бўлиш, изланиш, ташаббус кўрсатиш, одамларни мавжуд имкониятларни тўла ишга солишга сарфларга этиб, белгиланган мақсадларга эришишга қатъий даъват зоҳир.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридagi сўзлари муносабати билан ҳамisha ўн йил олдинги икки сўхбат ёдга тушади. Улардан бири Чиноз тумани "Гулзоробод" ширкат хўжалиги бригадир Баҳром Умаров, иккинчиси – Оққўрғон тумани "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги раиси Эргаш Ниёзов билан бўлган. Ушанда Баҳром ота: "Раҳбарнинг лоқайдидан худо асрасин, – деган эди. – Ишни ўлдириб, хўжаликни қўқтиради. "Адашиб" раҳбар бўлиб қолганлар эса бундан ҳам бешбадтар.

Фақат ўзини ўйлайди. У қилади, бу қилади, оз фурсатда ҳамини қаппайтириб, хўжаликнинг супрасини куриштириб, одамларни пароканда қилиб, дала-ларни хувиллатиб кетади". Энди иккинчи мулоҳазани эшитинг: "Раҳбарнинг тизаси эшитинг деган бўлиб қолишининг бир сабаби бор, – деган эди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Эргаш Ниёзов. – Қанча-қанча маблағ сарфлаб, мансабини сотиб олади-да, етса ҳам, турса ҳам, юрса ҳам шу харажатлари кўз ўнгидан кет-

майди, ҳаёлида нимани қаердан, қандай юлқисам экан, деган фикрлар гужон ўйнаб, эркин, бамайлихотир ишлашга йўл қўймайди. Шу гирдоб уни осмону фалакка кўтариб, чирчири учиради, лекин пироваврдиде ерпарчин қилади". Вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларини кезиб, ўнлаб катта-кичик раҳбарларнинг иш тутумини кузатганимиз сари бир нарсага имонимиз қомил бўлиб боради: ўзликни сақлаш, бирламчи фазилатини йўқотмаслик қанчалар қийин. Бу – ҳар бир

раҳбар учун синов. Бу синовдан сабот билан ўтиб, инсоний фазилатларини, ўзликни сақлаб қола олган раҳбаргина меҳнат соҳаларида маънавий муҳитни жамоллаштириб, ўзаро талабчанликни, ишда жонқуярликни кучайтиради, меҳнат жамоаси ривожга оз тулади. Ўзбекистон Қаҳрамони Тожибой Ризаев шундай раҳбарлардан эди. Ўзбекистон Қаҳрамони Александр Фармонов тимсолида ҳам ўзига, атрофидогиларга бирдек талабчан, мақсад йўлида қатъиятли, ишбилармон, тadbирли раҳбарни кўраимиз. Халқ дарди, оруз-умидларини чуқур ҳис этиш, ҳозиржавоблик уларнинг маънавий қиёфасини белгилувчи фазилатларидир.

(Давоми 3-бетда).

ТАДБИРКОРЛАР МАКТАБИ

Пойтахтимизда Республика "Ёш тадбиркорлар мактаби"нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ЕТМ, "Микрокредитбанк" ОАТБ ҳамда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 50 нафарга яқин ёшлар иштирок этишди.

Ёш тадбиркорлар мактаби фаол ва интилувчан ёшларнинг гоёларини услубий ва моливий кўлабқувватлаш орқали ҳаётга татбиқ этиш имкониятини берувчи лойиҳа ҳисобланади. Лойиҳа иштирокчиларидан фақатгина қизиқарли бизнес гоёга эга бўлишлари талаб этилади. Уни тўри шаклга келтириш ва муваффақиятли бизнес режа тузишда мактабнинг малакали тренерлари кўмаклашади. Ёш тадбиркорлар мактаби уч босқичда ўтказилади. Ушбу мактаб бутун юртимизни қамраб олиб, бизнес хусусидаги чуқурлаштирилган ва ҳамкор ташкилотлар томонидан қўшимча амалий кўрсатмалари беришга қаратилган. Жорий йилдан бошлаб лойиҳада 200 дан зиёд ёшлар иштирок этиб, ўз билим ва тафаккурларини кенгайтириш имкониятига эга бўлишди. Утган давр мобайнида мактабни 3 минг 200 нафардан зиёд йигит-қизлар битирди. Улардан 34 фоизи ўз лойиҳасини ҳаётга татбиқ этди. 30 нафар энг яхши бизнес лойиҳа муаллифлари Фонд Форумнинг махсус грантлари билан тақдирланди.

Мактабда тингловчилар малакали мутахассислар томонидан махсус дастурга асосан ўқитилади. Ҳар бир иштирокчи кичик бизнес бухгалтерия асослари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, бизнеснинг юридик ва ҳуқуқий шакли, кичик бизнес психологияси бўйича қатор қимматли маълумотларни эгаллаши мумкин. Ёш тадбиркорлар мактаби ўз бизнесини эндиришга бошлаган йигит-қизларга моддий ва методик билимлар бериш, уларни кичик ва ўрта бизнесга жалб этиш мақсадида 2008 йилдан буён ўтказиб келинади. "Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш" дастури доирасида амалга оширилган ёшлар лойиҳа бир йилда икки марта ташкил этилди.

Азима ҚИЁСОВА, "Туркистон-пресс".



ИҚТИДОРЛИЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни вилоятимизда меҳр-мурувват тадбирларига бой бўлди. Шундай хайрли анжуманлардан бири Ўрта Чирчиқ туманида бўлиб ўтди.

Ҳокимлик Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, ЎзЛиДеП туман кенгаши, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши билан ҳамкорликда "Истиқоли-миз ёшлари" маънавий-маърифий тадбирини ташкил этди.

Фан олимпиадаси, билимлар беллашувида ғолиб чиққан 45 ўқувчи ва 12 устоз тақдирланди. 8-, 1-, 12-мактаб ўқувчиларининг қўшиқлари, шўх-шодон рақслари иштирокчиларга байрамона руҳ бағишлади.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР ТАНТАНАСИ

А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида майдон томошалари санъати байрами ўтказилди.

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методика маркази, Маданият муассасалари ҳодимлари бирлашган қасаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир "Мустақкам оила йили"га бағишланди. Унда миллий дорбозлик жамоалари иштирок этди. "Устоз-шогирд" аъёналари нусха дастурлари, саҳна либреллари ва ижро маҳоратлари соҳа мутахассисларидан иборат экспонатлар гуруҳи томонидан қўриб бўлинди. "Майдон томошалари санъати байрамида" қатнашган барча жамоаларга фаол иштироки учун сертификатлар топширилди.

Икки кун давом этган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда

фаолият юритаётган ўн саккизта миллий дорбозлик жамоалари иштирок этди. Уларнинг ҳар бири ўз воҳаси йўналишлари бўйича тайёрлаган дастурларини намойиш этди. Айниқса, Тошкент вилояти вазирлиги Болтабоевларнинг қизиқарли чиқиши дор ўйини ишқибозларини хайратга солди. Санъат байрамидда иштирок этган дорбозлик жамоаларининг дор анжомлари, томоша дастурлари, саҳна либреллари ва ижро маҳоратлари соҳа мутахассисларидан иборат экспонатлар гуруҳи томонидан қўриб бўлинди. "Майдон томошалари санъати байрамида" қатнашган барча жамоаларга фаол иштироки учун сертификатлар топширилди.

"Туркистон-пресс".

УЧРАШУВ



ЎРГАНСА АРЗИЙДИГАН ЖИҲАТЛАРИМИЗ КЎП

Меҳнатсевар халқимизнинг яратувчанлик, бунёдкорлик фазилатларига кўплар ҳавас қилади. Ўз риқзини ўзи яратса, гузал, фаровон ҳаёт кечиршига интилса, ўзидан кейин озода ва обод Ватанини авлодларига армуғон этса, бундай элдан ибрат олмай бўладими?

Жаннатмакон Ўзбекистоннинг сархил, таъми тил ёрадиган меваларни-ю, жаннат гулларига қиёс қилгулик чаманзорлари қимматли лол қолдирмаган дейсиз?! Олий навли меваларни етиштиришда олимларимиз ҳам озмуна тер тўкишмайди. Р. Шредер номида-

ги "Мева шарбат" боғдорчилиги, узумчилик ва вино ишлаб чиқариш илмий-тадқиқот институтига ташриф буюрган чет эллик меҳмонлар, дипломатик корпус вакиллари дастлаб институт тарихи, олимлар яратган яхши мева навлари, турфа гуллар олами билан тани-

шишди. Академик Р. Шредер ва М. Мирзаев хотирасини ёд этиб, ёдгорлик пойга гулчамбарлар қўйишди. Институт иссиқхонасида ўстириляётган юз турдан зиёд гуллар, уларни кўпайтириш, парвариш-лаш ҳақидаги мутахассислар фикрлари меҳмонларда қизиқиш уйғотди.

Учрашувда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди. Сайёра РАҲМОНОВА, Комил САЪДУЛЛАЕВ олган сурат.

ВАТАН ҲИМОЯСИ - МУҚАДДАС БУРЧ

АРМИЯ МАКТАБИДАН - ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ САРИ

Яна бир имконият. Агар абитуриент ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаси асосида имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча балларни ҳисобга олган ҳолда танловдан ўта олган тақдирда, мамлакатимизнинг бошқа олий ўқув юртига қабул қилиш тўғрисида ариза топшириши мумкин. Бунда абитуриент танлаган бошқа олий ўқув юртига қабул қилиш тасдиқланган умумий қабул квотаси доирасида, имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча баллини ҳисобга олган ҳолда, фанлар бўйича топширилган тест синовлари фанлар тўғрисида (блоки) ва абитуриент томонидан тўлганган балларга бўйича давлат комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади. Бундай аризалар тест синовлари тугагандан кейин 10 кун мобайнида Таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан қўриб чиқилади.

Давлатимиз раҳбарининг қароридан тавсияномалар жанговар ва маънавий-маърифий тайёрларига юқори натижага эришган, зарур билим даражасига эга бўлган муносиб номзодларгагина берилиши таъкидланган. Бу ҳам, ўз навбатида, ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини оқшатириш, ҳарбий хизмати юқари чоғида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, миллий армиямиз сав-

ларини ҳисмонан бақувват, маънавий етуқ ёшлар билан тўлдиршига хизмат қилади.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида яшовчи Даврон Мирзақулов яқинда ҳарбий хизматдан қайтиб келди. Давроннинг ота-онаси йўлининг ҳарбийдан янада соғлом ва тетик бўлиб қайтгани, анча улғайиб, қаҳдиқомати келишган йигитга айланганига бир хурсанд бўлса, унинг ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига сазовор бўлганини қўриб, янада қувонди.

Армияда аскарлар учун шундай юксак шарт-шароит яратиб берилишини тасаввур ҳам қилмаган эдим, - дейди Д. Мирзақулов. - Ҳамма нарса муҳайё қилинган: тоза кийим-бош, тўйимли овқат, тоза-озода ётоқ жой... Энг муҳими, жисмоний чинқишимиз учун замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган хоналар, бой китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази ҳарбийлар ихтиёрида. Армияда қучли тактик тайёрлардан ўтди, ҳарбий машқларни пухта ўзлаштирдик. Кўп тенгдошларим ҳарбийлик касбияга қизиқиб қолди. Мен ҳам шу йил Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетига ҳужжатларимни топширишмоқчиман.

Армия хизмати бугун том маънода мардлик ва матонат фазилатларини тарбиялаш, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабига айланмоқда. Ана шу мактабни ўтаган ёшлар

римиз бугун нафақат миллий олий ўқув юртида, балки мамлакатимиздаги халқаро таълим муассасаларида ҳам таъсил олмақда.

Яқинда Тошкент Халқаро Вестминстер университети ана шундай ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни янада қучайтириш, уларнинг ушбу университетда таълим олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида ўқишга киришда имтиёзлар берилишини маълум қилди. Университет томонидан мамлакатимиз Куропли Кучлари сафида муқаддатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитлар бепул таълим олиши учун қўшимча бешта грант ўрни ажратилди.

Буларнинг барчаси Ватан ҳимояси бўлиш ёшларимиз ўртасида шарафли ва масъулиятли вазифага, ҳақиқий шон-шараф ишига айланиб бораётганининг яқол ифодасидир.

Жорий йил февраль-март ойларида мамлакатимизда бўлиб ўтган муқаддатли ҳарбий хизматга қаҳираву жараёни оммавий ахборот воситаларида, интернет сайтларида кенг ёритилди. Интеллектуал ва жисмоний синовлардан, тиббий қўриқдан муваффақиятли ўтиб, муқаддатли ҳарбий хизматга бориш шарафига муяссар бўлган ёшларнинг қувончи матбуот саҳифаларидан ўрин олди, телевидение орқали намойиш этилди.

Уша пайтларда интернет нашрларида минтақамиздаги мамлакатлардан бирида ҳарбий

хизматга қаҳираву жараёнида юзага келаятган муаммолар, ёшларнинг армиядан қочишга, ҳарбий хизматдан бўйин товлашга уринишлари ҳақидаги хабарлар тарқалди. Маълумотларга кўра, бунинг асосий сабаби армиядаги носоғлом муҳит, янгли шарт-шароит экан. Армияда таъминотнинг пастилиги, турли тўс-тўполонлар ёшларни ҳарбий хизматдан беэҳтиёр қўйган экан.

Энг аянчлиси, ушбу мамлакатда ҳарбийлар сафини зўравонлик билан тўлдиршига уриниш авж олмақда экан. Ёшлар ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан қўча-қўйда тутиб олиниб, ҳарбий хизматга мажбуран жўнатилмақда экан. Интернет сайтлардан бирининг янгилиси, бундай ҳолат қўнда янгли бир фожиага сабаб бўлган. Бир йигит армияга боришдан қўриқиб, ўзини учинчи қаavat деразасидан ташлаган. Оқибатда наҳқирон йигит бир умрга ногирон бўлиб қолган...

...Тинчлик - энг буюк неъмат. Дунёда глобаллашув жараёни шиддатли тус олаётган бир пайтда унинг қаҳри, аҳамияти янада ортмоқда. Миллий армиямиз сафларида ана шундай ҳауф хатарга қарши тура оладиган, қучли тактик тайёрларга эга, билимли, юксак салоҳиятли ёшларимиз хизмат қилар экан, юртимизда тинчлик ва хотиржамлик бардавом бўлиши шубҳасиз.

Хусниддин БЕРДИЕВ, Ўза Шарҳловчиси.

лашга тўғри келса керак?

Албатта. Нафақат биз, балки хамма соҳа ходимлари ҳам режали ишлагани маъкул. Масалан, биз бюджет ташкилотларида табиати муҳофазасига қилишга оид қонун ҳужжатлари талаблари қандай бажарилаётганини пухта режа асосида урганиб борамиз. Натижада жойлардаги қонунбузилишлар, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар вақтида аниқланади ва тегишли чора қўрилади. Шу йилнинг



ИНСОН ТАБИАТИ ВА ТАБИИЙ МУТАНОСИБЛИК

бир-бири билан шу даражада чамбарчас боғлиқки, ўйламай қилинган биргина ножўя иш бу мутаносибликни мутлақо издан чиқариши мумкин

ўтган даврида 8 та корхона ва ташкилотда қонунлар талабларининг бажарилиши режа бўйича текширилиб, саккиз мансабдор шахсга жами 692 минг 120 сўм жарима солинди ва вақтида ундириб олинди.

Режамизда рейдлар ўтказиш ҳам белгилаб қўйилган. Шу йил ўтказилган рейдлар чоғида 43 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 510 минг 60 сўм жарима ва табиатга етказилган зарар ҳисоб-китоб қилиниб, 7 миллион 267 минг 260 сўм товон ундирилди.

Табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, айниқса, уларни тежаш ва авайлаб-асрашга мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилади. Рейд ва текширув режаларингиздан бу ма-

сала ҳам ўрин олган бўлса керак, албатта.

Бусиз инспекциямиз фаолияти кемтик бўлиб қолган бўлур эди. Зеро, дунёда чексиз табиий ресурсларнинг ўзи бўлмаса керак. Мана, Ер сайёрасининг асосий қисми уммон, денгиз, дарё, қўл дегандек, сувдан иборат. Дарвоқе, инсон қўли билан тўғри-ноўғри бунёд этилган нотўғри сув омборлари қанча! Олимлар эса дунёда ичимлик сув танқислиги юз бериши мумкинлиги ҳақида бонг уришяпти.

Саволингиз моҳиятидан келиб чиқиб айтмоқчиманки, биз жиддий эътибор беришимиз зарур бўлган муҳим табиий ресурслар - ер, сув, ўсимлик дунёси. Менга қолса, саноат чиқиндиларини ҳам шу рўйхатга киритган бўлур эдим. Ахир,

жойларда бугун кўплаб саноат чиқиндилари қайта ишланиб, мамлакат иқтисодиётига озмунча фойда келтириляптими!

Текшириш ва рейдлар давомида табиий ресурслар муҳофазасига қатта эътибор қаратаётганимиз хусусида кўплаб мисоллар келтиришим мумкин. Жумладан, ер ресурслари муҳофазасига оид иккита қонунбузарлик учун 125 минг 840 сўм, сув ресурслари бўйича 13 та ҳолат учун 429 минг 951 сўм, чиқиндилар бўйича 12 та ҳолат учун 647 минг 145 сўм, ўсимлик дунёси бўйича 10 та ҳолат учун 503 минг 360 сўм жарима, бундан ташқари, туртта ҳолат учун 7 миллион 267 минг 260 сўм товон ундирилди.

Республикада ҳар йили "Тоза ҳаво" тадби-

ри ўтказилади. Сизлар ҳам бу тадбирда фаол иштирок этсангиз керак, шундай эмасми?

Тўғри, биз ҳам ўз режа-мақсадларимиз билан қатнашамиз. Тадбирнинг биринчи босқичида 672 та автотранспорт воситаси текширувдан ўтказилиб, нуқсонлари бартараф этилди. Ҳадемай, галла ўрим-йиғими бошланиб, бизнинг ишимиз ҳам тизгиланади. Маълумки, фермер ҳўжаликлари ўримдан сўнг ерларни такрорий экинлар учун тезроқ бўшатиш мақсадида сомонларни ёқиб юборишни афзал билишад. Оқибатда, атмосфера ҳавоси бузилади. Бундан ташқари, экин майдонлари тупроғига жиддий зарар етади. Шунинг билан, ҳозир фермер ҳўжаликларида бўлиб, бу зарарли одатга қарши тарғибот-ташвиқот олиб бораёلمиз.

Дарвоқе, инспекция-янгиининг вазифаси текшириш, жарима солиш, товон ундиришдангина иборат эмас. Қонунбузарликларнинг олдини олиш учун ташвиқотни ҳам қучайтириш керак бўлади.

Шундай. Асосий вазифамиз турли сабаблар билан табиатга етказилган зарарларнинг олдини олиш, бундай қонунбузарликларни қамайтиришдан иборат. Бунинг учун корхона, ташкилот, ҳўжалик ва маҳаллаларда соҳа олимлари ҳамда етуқ мутахассисларни жалб этиб, маъруза, суҳбат, савол-жавоблар уюштиряёلمиз. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида чиқарилди.

Йил бошидан буён 52 та корхонада шундай тадбирлар ўтказди. Ўзбекистон телерадиокомпаниясида чиқилар қилиди. "Паркент тонги" газетасида мақолалар чоп эттирдик.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири Абдусаммад ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди. Даврон АҲМАД олган сурат.

Ўзбекистонда 5 июнь - Бутунжапон атроф-муҳит кунига бағишлаб ташкил этилган экоҳафталикнинг учинчи куниди "Тошкент вилояти. Яшил иқтисодиёт йўли" мавзусида эофорум бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, идоралар ва саноат корхоналари вакиллари, мактаб ва коллежлар ўқувчилари, маданият ва санъат арбоблари иштирок этди.

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ЙЎЛИ

Сўзга чиққанлар "Яшил иқтисодиёт" мамлакат иқтисодиётининг ҳамма тармоқларида амалга ошириляётган, энг муҳими табиатни асрашга қаратилган инвестицияларни рағбатлантирувчи туб ислохотларга кўмаклашишга йўналтирилганини алоҳида таъкидладилар. Даромадлар ўсиши ва бандлик масаласининг ҳал этилиши углерод ва ифлос чиқиндиларни қамайтиришга қаратилган, энергия ва ресурслардан фойдаланиш самарасини оширувчи, шунингдек, биохилма-хиллик ва экотизимдаги йўқотишларнинг олдини олувчи давлат инвестициялари ҳамда хусусий сармоялар орқали таъминланади.



Саноат корхоналари эндиликда ишлаб чиқариши модернизациялаш ва экологик тоза технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Олмалик кон-металлургия мажмуаси, Ўзметкомбинат, GM Powertrain Uzbekistan, Аммофос-Максам, Бекободцемент каби йирик саноат корхоналари қисқа, аммо самарали тақдимот ўтказиб, барқарор ривожланиш соҳасига оид тажриба ва стратегиялари билан ўртоқлашад.

Экофорумда мактаб ва коллеж ўқувчилари учун турли танловлар уюштирилди. Болалар атроф-муҳит ва табиат мавзусидаги энг яхши шеър, энг яхши расм ва энг яхши суратларини танлов ҳақамлари ҳукмига ҳавола этилди.

Пировадда атроф-муҳитни асраш ва барқарор ривожланишда фаол саноат корхоналари диплом билан тақдирланди. Болалар ўртасидаги танлов ғолиблари сертификат ҳамда эсдалик совгалари топширилди.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МАЪНАВИЯТ

РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ ВА МАЪНАВИЙ МУҲИТ

Қаноат, сабот, ўзини тия олиш фазилатларини унутган раҳбар ҳодимлар иш ҳақини вақтида олишайти-ми, деҳқоннинг қозони дуруст қайнаптими, боғча болларининг ўйинчоқлари бутми – бу каби масалалар билан шуғулланишни ўзига эп кўрмайди, ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмайди. Қачон қарасанг, уни ҳали тили чиқмаган набирасига атаб дан-ғиллама ховли-жой қуриш, на ўқиш, на бирор иш жиловини тутмаган куёвига оппоқ "Нексия" калитини тутқазиб, аллакимларни "хонхалит" зифат қилиш ташвишлари билан банд кўради.

Ҳолисигу оқиллик ички маданиятига айланган раҳбар ўсиб-унади, одамлар кўнглидан бир умр жой олади. Ўз бурчини тўри анласа, кўли остидаги ёки меҳнат жамоасидаги одамларни қийнаётган муаммоларни ечишга уринса, бунинг учун одамлар билан фикрлашиб, уларнинг истак-хоҳишларини ўрганиб, сидқидилдан, виджондан ҳаракат қилса, бундай раҳбарнинг ҳурмати ортиб боради, одамлар унга эргашади. Ишлар юришиб, иқтисодий юксалиб, турмуш фаровонлашиб бораверади. Одамларда ўз меҳнатларига муносабат ўзгаради, ривожланиш барқарор тус олади.

Бунинг акси бўлса-чи? Раҳбар одамларни қийнаётган муаммоларни ечишга уринмас, уларнинг эҳтиёжларини билан ҳисоблашмас, ундан жамоага, жамиятга нима наф? "Бугун одамларни баландпарвоз гаплар, сохта ва қуруқ ваъдалар билан кўндириб, рози қилиб бўлмайди, – деган эди давлатимиз раҳбари Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши сессиясида. – Бунинг ҳаммаи, авваламбор раҳбарлар, ўзини етакчи деб ҳисоблаган одамлар чуқур англаши ва ундан керакли хулоса чиқариши лозим".

Қарангиз, атрофимизда таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, гурӯҳбозлик, уруғ-аймоқчилик оз бўлса-да, бор. Ҳатто баъзилар чоғроқ бир идорага янги раҳбар тайинландими, дарҳол "ўз командаси"ни шакллантиришга киришади. У дейди, бу дейди-да, тузукнинг ишлаб турган одамларнинг "тагига сув қуяди", атрофига ўз одамлари – ҳайбаракалачилар, юлғичларни тўплайди. Чунки, "ўз одамлари" бу раҳбарнинг яраб-яншаб ишлаши учун қулай муҳит яратишига тўғнақ бўлишмайди, ҳамма қилгиларига чидашади. Бундай маънавий муҳитда таби-

ийки, таъмағирлик, манфатпарастлик учриди, пора-хўрлик авж олади. Каттами, кичикми, ҳар қандай раҳбарнинг туриш-турмуши, ҳатти-ҳаракати халқнинг кўз ўнгиде. У ҳеч қачон саҳродаги қум бўла олмайди. Ама лиллапоялардан кўтарила бошладими, баркамолликка интилиши, комиллик фазилатларини тақомилига етказиб бориши, оддийлик ва одамийлик либосини асло ўзгартирмаслиги керак. Раҳбарки, сўзида субтисизлик қилдими, мен бошлиқман, яхшилик, эзгуликка, одамлар дардига қулоқ солишга даъват этаверман, лекин ўзим ишимни "билиб-билиб" қилаверман, деб ўйлай бошладими, бу унинг маънавий кашшоқлиги, бугун-эрта юз беражак таназзулидир.

Жура Саъдуллаев,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

САЛОМАТ БЎЛИНГ

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз Президентининг бевосита ташаббуси билан аҳоли соғлиғини сақлаш мақсадида "Саломатлик – 1", "Саломатлик – 2", "Саломатлик – 3" сингари Давлат дастурлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Уларнинг ижроси самараси ўларок, бугун республикамизнинг энг чекка ҳудудларидаги тиббий муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳам малакали мутахассислар, замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди.



ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗ БИЛАН МАЛАКАЛИ ХИЗМАТ

Янгийўл туманида 19 та шундай қишлоқ врачлик пунктлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Бирлашма бош шифокори Улуғбек Дадабоевнинг таъкидлашича, жойлардаги бу муассасаларнинг ишини янада жонлантириш мақсадида туман марказий шифохонасидаги олий тоифали шифокорларнинг доволаш ва қабул қилиш кунлари ташкил этилган. Шу билан бирга, қишлоқ врачлик пункт-

ларнинг деярли барча шифокорлари нуфузли тиббий муассасаларида ўқув-амалиёт курсларини ўтаб, малакаларини оширишди. Шунингдек, мамлакатимиз Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган яна турта қишлоқ врачлик пункти

ишга туширилди. Иккита пункт эса қайта қурилиб, бугунги кун талабига мослаштирилди.

– Бугина эмас, – дейди бош шифокор, – туман аҳолисининг саломатлигини сақлаш, уларга замонавий тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида марказий шифохонага жаррохлик амалиёти учун лопараскоп ва турли замонавий тиббий асбоб-ускуналар ажратилди. Шунингдек, кўп тармоқли

марказий поликлиника охири моделдаги УЗИ аппарати, замонавий стоматолог жамланма билан жиҳозланди.

Энг муҳими, туман ҳудудига вояга етаётган ўсимирлар, турмуш қуриш ёшидаги тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида марказий шифохонага жаррохлик амалиёти учун лопараскоп ва турли замонавий тиббий асбоб-ускуналар ажратилди. Шунингдек, кўп тармоқли

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012 ҲАМШИРА – 2012 ҲАМШИРА – 2012



ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

ҲАМШИРА – 2012

КРИМ-КОНГО ГЕМОРРАГИК ИСИТМА КАСАЛИ НИМА?

Крим-Конго геморрагик иситма ўта хавфли, табиий ўчоққа эга юқумли касаллик бўлиб, тана ҳарорати кўтарилиши билан кечади. Кўп асрлар давомида ушбу касаллик ўзбеклар орасида "Қораҳалак", тожиклар орасида "Хуппи-муни" (бурундан қон кетиши) деб номланган.

Биринчи марта бу касаллик 1944-1945 йилларда Кримда ҳарбий зобитлар ва аҳоли орасида авж олган. 1969 йилда Зоирда Конго дарёси ҳудудида бемор бола қонидан Крим-Конго геморрагик иситма касали вирусига ўхшаш вирус ажратиб олинган ва касаллик 1970 йилдан Крим-Конго геморрагик иситма касали деб номланган келмоқда.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида геморрагик иситма вирусининг табиий ўчоқлари борлиги аниқланди. Сўнгги йилларда кўпроқ республиканинг Жанубий ва Марказий вилоятларида қайд этилмоқда. Касалланганларнинг аксарияти чўпонлар, дала ишловчилари, ветеринария ходимлари, табиат қўйнига дам олишга чиққан шаҳарликлар ва қишлоқ жойларда истиқомат қилувчилар. Манбаи каналар, йирик ва майда ҳайвонлар, қумсичқон, типратикан ва бошқалар ҳисобланади.

Баҳорда қон сўрувчи каналар фаоллашади. Қўйлар жунини олаётганда қана қилиши ёки касалланган қорамоллар сўйилганда, уларнинг қони орқали касаллик инсонларга юқиши мумкин. Беморнинг қонига нисбатан уй ёки шифохона шароитида муолажалар пайtida эҳтиётсизлик қилинса, шунингдек, вирусимия даврида сўйилган уй ҳайвонларининг қони орқали оққан да гуруҳли касалланиш рўй беради. Касалликнинг яширин даври бир кундан 14 кунгача, ўртача 2-6 кун, беморнинг қони орқали оққанда бу давр 18 соатга қисқариши мумкин.

Касалликнинг юқуш йўллари кўп. Жумладан, қана чаққанда, химояланмаган қўл билан моллар қанасини терганда ва уларни бармоқлар орасида эзиб ўлдириганда, беморларнинг ва сўйилган молларнинг қони, тиббий муолажалар вақтида шприц ва игналар орқали, махсус лабораторияларда вирус сақловчи материаллар билан ишлаш жараёнида авария содир бўлганда юқади.

Беморнинг тўсатдан эти увишиб, қалтирайди ва

ҳарорати 39-40 даражага кўтарилади. Боши, мушаклари, бўғимлари оғрийд, аъзойи бадани қақшайди, иштаҳаси йўқолади, дармонни қурийд. Баъзан кўнгли айниб, қусадди, ичи кетади.

Ҳоҳида касаллик геморрагик аломатлар пайдо бўлиши билан бошланади. Геморрагик даври иситма давом этган ҳолда тери, шиллик пардалар ва ички аъзоларга қон қуйилиши билан бошланади. Баъдан тошмалар пайдо бўлади. Буйрак, меъда, баъдан, ўпка, бурун ва бошқа аъзолардан қон кетиши кузатилади. Инъекция қилинган жойларда қон ташлар пайдо бўлади.

Беморнинг қон аралаш саффо қайт қилиши касалликнинг оғир кечаётганидан дарак беради. Жигар ва талоқ қатталашади.

Касаллик бемордан юққанда яширин даври қисқаради (ўртача 2-3 кун), шиддатли ва оғир кечади ҳамда ўлим даражаси жуда юқори бўлади.

Геморрагик иситманинг олдини олиш учун ҳайвонларнинг жунини олаётган ходимларни махсус кийим-кечак ва биринчи ёрдам дори-дармонлари билан таъминлаш, жун олишдан олдин қўйларни махсус ванналарда чўмилтириш ва каналарга қарши ветеринария дорилари билан ишлов бериш зарур.

Аҳоли ўртасида ва чорвачилик соҳасида ишловчилар орасида мунтазам тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бериш, ҳайвонларни парваришловчиларга нисбатан шахсий гигиена қоидаларига риоя этишлари устидан талабни қучатириш лозим. Бундан ташқари, касалликнинг олдини олиш учун молхоналарга махсус дорилар билан тез-тез ишлов бериш, каналардан тозалашда ветеринария хизмати ходимларига мурожаат этиш ва уларнинг маслаҳатига амал қилиш, иситмаси бор беморни, махсус лабораторияларда вирус сақловчи материаллар билан ишлаш жараёнида авария содир бўлганда юқади.

Умрбек МИРЗАЕВ,
вилоят ДСЭНМ олий тоифали врач-эпидемиолог.

ЁШ СИЁСАТЧИ – 2012

УЛАРНИНГ ЎРНИ АЛОҲИДА

Ўзбекистон Президентининг "Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармони бу шаҳарни мамлакат иқтисодийнинг йирик замонавий марказига айлантиришнинг истиқболли режаларини белгилаб берди.



– Бу Фармон улкан бунёдкорлик кучларини ҳаракатга келтириб, шаҳримиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги ўрни янада юксалтиради, – деди шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Наргиза Назарова "Ёш сиёсатчи – 2012" курик-танлови иштирокчиларини қутлаб.

Пискент агросаноат ва иқтисодий кесиб-хунар коллежи ёш ўқитувчиси Наргиза Убайдуллаева конкурс галига деб топилди. Чирчиқ шаҳридаги 2-мактабнинг тарихий ўқитувчиси Муътабар Қозиева – иккинчи, Ангрен шаҳридаги 12-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Радмила Бекбулатова учинчи ўринни эгаллашди.

– Ёшларда фаол фуқаролик нуктаи назарини шакллантириш, фуқаролик жамияти қуриш ва демократик ислохотларни ривожлантиришга ҳисса қўша оладиган иқтидорли йиғит-қизларни қўллаб-қувватлашда бу курик

XXI Ва дунё

БЕРЛУСКОННИНГ «ТЕЛБА» ҲОЯСИ

Италиянинг собиқ бош вазири Сильвио Берлускони оммавий ахборот воситаларини ўзининг муваффақиятсиз чиққан ҳазилини оммалаштиришида айблади, деб ёзади The Times газетаси.

Берлускони Facebook-даги ўз саҳифасида Италия банки ё ўзининг миллий валютасини ёки евро-ни босиб чиқаришни бошлаши керак деган "телба ғоя"сини баён этди. Унинг гапига қараганда, агар Европа марказий банки пул чиқара бошласа, Италия ҳукумати юрак ютиб еврога "хайр" дейиши керак. Аммо, бир кундан сўнг Берлусконининг баёни матбуотчилар кўлига тушган, ўз сўзини қайтиб олди. У ижтимоий тармоқда бу шунчаки ҳазил бўлиб, "табассум ва киноя" билан қабул қилиниши керак эди, деб ёзди. Бундан ташқари, Берлускони расмий қўлаётган "Эркин халқ" партиясининг



ПАНАМА КИРҲОҚЛАРИДА ЕР СИЛКИНДИ

Панаманинг Тинч умони кўриқларида 4 июль куни эрта тонгда 6,6 магнитуда куч билан зилзила юз берганини маълум қилди АҚШ геология хизмати.

Америка сейсмологларининг маълумотига кўра, зилзила маркази Чирки виллояти маъмурий марказида Давид шаҳридан 370 километр нарида бўлган.

Зилзила цунами келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида хабар тарқатилмади. Ер силкиниши оқибатида вайронгарчилик бўлгани ва одамлар жабр кўргани ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумотлар берилмади.

ҚЎЛГА ТУШМАГАН БИР ТЕРРОРЧИ ҚОЛДИ

Японияда "Аум Синрике" сектасининг собиқ аъзоси ҳамда полициянинг таъкидлашича, 1995 йилги Токио метросидаги террорчилик акти ташкилотчиларидан бири Наоко Кикүти ҳибсга олинди.



Кунчиқар мамлакат оммавий ахборот воситаларига таяниб, Associated Press шу ҳақда хабар тарқатди. Полициячилар ўз хабарчилари

уни қўлга олишган ва Токиодаги полиция бўлимига олиб келишган.

Аммо, АФР агентлигининг таъкидлашича, ННК телекўрсатув компанияси эълон қилган ба маълумотни полиция тасдиқ ҳам қилмади, рад ҳам этмади. Шундай қилиб, қидирувда "Аум Синрике" сектасининг метродаги терактда иштирок этганликда айбланаётган бир аъзоси – 54 ёшли Кацүя Такасүи қолди.

1995 йилда "Аум Синрике" сектаси аъзолари метродаги захарли газ қувурини арганлари натижасида 13 киши ўлиб, бир неча минг киши жабрланган эди. Ушанда секта етакчиси Секо Асаҳара (ҳақиқий исми-шарифи Тизуо Мацүмото)

тезда қўлга олинди, 13 аъзо қатори ўлим жазосига ҳукм қилинган эди. Аммо, нима учундир ҳукм ҳануз ижро этилган эмас.

БАДҲАТЛИГИ УЧУН ҲАЙФСАН

Литвалик врач тиббий ҳужжатларни ўқиб бўлмайдиган хунук ҳолда тўлдиргани учун бошлиқларидан оғохлантириш олди, деб ёзади Lietuvos rytas.



Беморлардан бири шифокорнинг бадҳатлиги ҳақида соғлиқни сақлаш вазирлиги ва шахсан мамлакат президенти Дале Грибаскайтисга шикоят хати ёзиб жўнатганидан сўнг шифокорга ҳайфсан берилди. Хатни эса Клайпеддаги денгизчилар шифохонаси бемори Патрас Йонушас ёзган эди. Унинг айтишича, шифокор бемор ошқозонининг аҳолига оид ҳисоботни ўқиб бўлмайдиган даражада хунук ёзган.

Шу воқеадан сўнг Клайпеддаги шифохона хоналарига яқин вақт ичида компьютерлар ўрнатилган қарор қилинган. Шундан сўнг мутахассислар ҳужжатларни ҳам, рецептларни ҳам қўлда эмас, компьютерда тайёрлашади.

Таъкидлаш жоизки, шифокорларнинг бадҳатлиги кўплаб мамлакатларда турли ҳазил-мўтойбаларга тайёр манба бўлиб келади.

ТАДБИР

УМИД ҲЕЧ ҚАЧОН СЎНМАЙДИ

Республика Болалар мослашуви маркази қошидаги ахборот-маслаҳат марказининг қайта таъмирдан чиққан янги биносида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишлаб, ушбу хизматдан фойдаланувчи имконияти чекланган болалар ва уларнинг ота-оналари учун тантанали байрам тадбири ўтказилди.



2004 йили иш бошлаган ушбу марказ ўтган даврда ногирон болалари бор минглаб оналарда фарзандлари саломатлигини босқич-босқич тиклашлари, улар дунё андозалари даражасида муолажа олишлари катта умид уйдирди. 2007 йилга келиб марказнинг ахборот-маслаҳат маркази ташкил этилди. Бу ерда ота-оналар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан



ташқари врач, руҳшунос-дефектолог, даво-жисмоний тарбия ўқитувчиларидан маълумоти билан ушбу тадбирлар қисқа муддатда ва тўла амалга оширилди. Тубдан қайта таъмирланган бино қиёфаси бутунлай ўзгарди. У мутахассисларнинг таклифлари ҳисобга олинган ҳолда жаҳон андозалари даражасида жиҳозланди. Ўрнатилган асбоб-ускуналар болаларнинг ривожланишидаги турли нуқсонларни даволаш имконини беради. Бу ерда ҳозирда арт-терапия ўстахонаси, физиотерапия кабинети, тренажёр зали ишлаб турибди. Ушбу технология ва ишланмалар Ўзбекистонда ноёб ҳисобланади.

боланинг соғлом бўлиб ўсиши учун шунча катта имконият туғилади.

Бирок, ҳаёт тўхтовсиз олға босмоқда. Ахборот-маслаҳат марказини тубдан янгиллаш, уни янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш вақти етди. "Сен ёлғиз эмассан" республика жамоатчиликлари болалар фонднинг қўллаб-қувватлаши билан ушбу тадбирлар қисқа муддатда ва тўла амалга оширилди. Тубдан қайта таъмирланган бино қиёфаси бутунлай ўзгарди. У мутахассисларнинг таклифлари ҳисобга олинган ҳолда жаҳон андозалари даражасида жиҳозланди. Ўрнатилган асбоб-ускуналар болаларнинг ривожланишидаги турли нуқсонларни даволаш имконини беради. Бу ерда ҳозирда арт-терапия ўстахонаси, физиотерапия кабинети, тренажёр зали ишлаб турибди. Ушбу технология ва ишланмалар Ўзбекистонда ноёб ҳисобланади.

Байрам тантаналари катта концерт намойиши билан якунланди.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАП

Жиноят ишлари бўйича Янгийул туман судининг айбдор Махфуза Кўзиевага нисбатан ҳукми қатъий бўлди. У Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 135-моддаси 3-қисми "А" ва 131-моддаси 2-қисми "А" бандлари бўйича айбли деб топилиб, умумий ҳисобда 4 йил 2 ой муддатга озоликдан маҳрум қилинди, суд залидан қамоққа олинди.

Нега шундай бўлди? Махфуза қандай жиноят содир этган эдики, суд шунчалик кескин ҳукм чиқарди? Айблов ҳулосасида таъкидланишича, воқеа етмаган Гулчехра Латифжонова 2011 йилнинг апрель ойи бошларида 1995 йил 11 октябрда туғилган Мухайё (исми ўзгартирилган) билан Янгийул шаҳридаги "Феруза" қаҳвахонаси ўларасида танишиб қўлиб, ундан ғаразли мақсадларда фойдаланиш учун ўз уйига бошлаб келган, 10 минг сўм эвазига ўз танишлари Хайрулла билан Дониёр исми йигитларга қўшиб юборган...

Шундан кейинги воқеалар бамисоли араб эрталаридаги тунги саргузаштларга ўхшаб кетади. Қўшмачи Гулчехра Латифжонова Мухайёдан фоҳиша тарихисидан фойдаланиб, мўмай "даромад" ола бошлади. Чунончи, Мухайёни ўз таниши – қўшмачи Махфуза Кўзиевага 70 минг сўмга сотиб юборди. Кўзиева ўз хонадонидан тегишли шартларни яратиб, Мухайёни турли шахслар

билан қўшиб, ҳар бир "сенса"дан 20 минг сўмдан "фойда" олиб келган.

Сир ошкор бўлган, қўшмачилар устидан жиноят иши очилиб, тергов бошланди. Судгача Латифжонова шахсий қафалик, Махфуза эса, "муносиб ҳулқ-атворда бўлиш" хусусидаги

Суд ишни ҳар жиҳатдан кўриб чиқиб, юқоридаги ҳукми чиқарди.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: "Нега ҳали 16 ёшга тўлиб-тўлмаган Мухайё қўшмачилар чангалига тушиб қолди?" Мухайёнинг ўзи қонуний вакили иштирокида судда

СУД ЗАЛИДАН ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ. НЕГА?

тилхатга асосан озоликда қолдирилди.

Эътироф этиш керак, ҳар икки гумондор дастлабки тергов жараёнидаёқ ўз айбларига қисман иқдор бўлишди. Лекин судланувчи Гулчехра Латифжонова:

"Боласига энағалик қилиб юриши учун Мухайёни Махфуза опага бериб юборганман", – деб суддан қуруқ чиқшга уринди.

Мен уни ўзим билан дастлаб бир қишлоққа олиб бордим, – деди судда Махфуза Кўзиева ўша қабоҳат-лик қилган киз шу оқшом аввал "Феруза"да, кейин "Симсим" қаҳвахонасида нота-ниш давраларга тушиб қолди. Утиришлар, "спиртли пиволар" ичиш чўзилиб

берган кўрсатмалари билан бир саволга ойдинлик киритди:

Ойимлар билан жанжаллашиб қолдим, – деди у. – Оилавий келишмовчиликка чидаёлмай, уйдан чиқиб кетдим. Гулчехрада яшовчи Мавжуда исми киз билан танишдим. Кечаси соат 22 ларда "Феруза" қаҳвахонаси ёнига бордик...

БУ ҚИЗИҚ

Уч юз йиллик илди

Хитойда ўтказилган кимшошди савдосида шифобахш женшень ўсимлигининг уч юз йиллик илдииз уч миллион юанга (400 минг АҚШ долларига тенг) сотилди.



Маълумотларга қараганда, узунлиги қарийб 1,5 метр, оғирлиги эса 366 грамм бўлган ушбу илдииз Чанбайшан тоғидан топилган. Экспертларнинг сўзларига кўра, женшендан табобат оламида кўп асрлардан буён дори сифатида фойдаланилади. У толиқиш, таносил, ичак ва асаб касалликларини даволаш учун ишлатилади.

Оғир вазнлилар мамлақати

Шотландия вази оғир одамлар истикомат қилиши бўйича Европада биринчи, дунёда эса иккинчи ўринда туради, деб хабар беради РАТА-ТАСС.

Маълумотларга қараганда, мамлакат аҳолисининг 25,5 фоизи семизлик хасталигига чалинган. Хабарларга кўра, дунёда оғир вазнли кишилар сонининг кўпчилиги бўйича АҚШ биринчи ўринга чиққан. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, АҚШда семизлар аҳолининг 32,2 фоизини ташкил этади. Бу борада Мексика учинчи ўринда туради.

Чап қўл ўрнига ўнги

Финляндияда ғайриодатий жарроҳлик операцияси амалга оширилди. Хабарларга қараганда, жарроҳлик жараёнида беморнинг ўнг қўли кесиб олинди, чап қўлининг ўрнига ўрнатилган.

Унинг чап қўли қирқ йил аввал маълум сабабларга кўра кесиб ташланган экан. Махаллий нашрларнинг ёзишича, бемор киши бундан уч йил аввал инсульт хасталигига чалинган боис танасининг ўнг қисми фалаж бўлиб қолган. Шу сабабли у жонсиз ўнг қўлини чап қўлининг ўрнига ўрнатишга аҳд қилган.

РАССОМ ХАНДАСИ



– Бунчалар таъмағирлигини билмаган эканман, йўқол!

– Ахир, менинг ҳам бола-чакам бор-ку!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ
Манзил: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:
233-64-95, 236-55-59,
233-58-85 (факс).
Қабулхона:
Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:
233-12-83, 233-48-08.
236-55-54.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Равшан ЕҚУБЖОНОВ
Навбатчи
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ